БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 254 (16.640). | 29 октябрь 1976 йил, жума | Баҳоси 2 тийин.

ЯШАСИН КОММУНИСТИК ПАРТИЯНИНГ ИШОНЧЛИ ЕРДАМЧИСИ ВА ЖАНГОВАР РЕЗЕРВИ, КОММУНИЗМ ЁШ БУНЁДКОРЛАРИНИНГ ИЛҒОР ОТРЯДИ — ЛЕНИН КОМСОМОЛИ!

(КПСС Марказий Комитетининг Октябрь Чақириқларидан).

ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ — ОЛИЙ МАҚСАД

ТЎҚҚИЗИНЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ БЕШИНЧИ СЕССИЯСИ

Кеча хабар қилинганидек, тўққизинчи чақириқ СССР Олий Советининг V сессияси очилиб, сессия кун тартибига киритилган масалаларни муҳокама қилишга киришди.

План-бюджет комиссиясининг раиси депутат **Г. И. Вашченко** 1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг Давлат беш йиллик плани, 1977 йилда СССР халқ хўжалигини ривожлантириш Давлат плани ва СССРнинг 1977 йилги Давлат бюджети тўғрисида, шунингдек 1975 йилги Давлат бюджетининг ижроси ҳақидаги масалалар юзасидан Иттифоқдош республикалар, министрликлар ва идоралар планни бажарди. Пландан ташқари 4,5 миллиард сўмликдан ортиқ маҳсулот реализация қилинди.

Бу йил қишлоқ меҳнаткашлари баланд руҳ билан ишлаяптилар. Бу йилги ўрим-йиғим галлакорларнинг мамлакатга пландан ва илгари зиммага олинган мажбуриятлардан ташқари дон берайлик деган ватанпарварлик ҳаракати билан нишонланди. Партиянинг дон проблемасини ҳал этиш йўлини қишлоқ меҳнаткашлари чуқур тушуниб етганликлари шунда намоён бўлди. Россия Федерацияси Ватан омборларига 3 миллиард 200 миллион пуд дон тўкиб мамлакат галла ресурсига салмоқли ҳисса қўшди. Қозоғистон деҳқонлари давлатга бир миллиард 186 миллион пуд юқори сифатли дон сотиб катта меҳнат ғалабасига эришдилар. Ҳозирнинг ўзидаёқ 12 иттифоқдош ва 12 автоном республика, 87 ўлка ва область галлакорлари ўз мажбуриятларини бажарганликлари тўғрисида рапорт бердилар. Буларнинг ҳаммаси мамлакат рекорд миқдорда галла олишидан далолат беради. Пахта, қанд лавлаги ва бошқа баъзи экинлардан яхши ҳосил етиштирилди.

Бу йилги планнинг муваффақиятли бажарилиши беш йилликнинг иккинчи йилида мамлакат экономикасини ривожлантириш учун зарур база яратди, дейилди қўшимча докладда. 1977 йилги халқ хўжалик плани саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши янада ўстирилиши, халқ хўжалигининг бошқа соҳалари ривожлантирилишини, халқнинг турмуш даражасини юксалтириш юзасидан бир қанча чоралар амалга оширилишини кўзда тутади. Миллий даромад ҳажми 4,1 процент, саноат маҳсулотлари 5,6 процент ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 5,1 процент кўпайтирилади.

Халқ хўжалик планига тўла мувофиқ ишлаб чиқилган 1977 йилги давлат бюджети мўлжалланган ҳамма талбирларни пул билан таъминлай олади. Бюджет даромадлари 238,8 миллиард сўм ва ҳаражатлари 238,6 миллиард сўм қилиб белгиланади.

Халқ хўжалигини ривожлантиришга бюджетдан ва бошқа манбалардан 251 миллиард сўм сарфланади.

Беш йиллик план халқ хўжалиги ҳамма соҳаларини муттасил ривожлантириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини оширишнинг жанговар иш программаси белгилаб берилди.

Мамлакат беш йилликни яхши маромда бошлаб юборганлиги Пленумда айтиб ўтилди: шу йилнинг тўққиз ойи ичида саноат ишлаб чиқаришнинг ўсиши йиллик пландаги 4.3 процент ўрнига 4,8 процент бўлди; ҳамма

ТЎҚҚИЗИНЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ БЕШИНЧИ СЕССИЯСИ

ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ—ОЛИЙ МАҚСАД

(Боши биринчи бетда).

Ўнинчи беш йилликда ижтимоий ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш ва унинг самарадорлигини ошириш асосида аҳолининг моддий ва маданий турмуш даражасини анча ошириш вазифаси турибди, деди М. В. Ломоносов номли Москва давлат университетининг ректори депутат **Р. В. Хохлов.** Фан-техника тараққиёти бундай ривожланишда энг муҳим ўрин эгаллайди.

Депутат ўқув жараёни самарадорлигини ошириш учун илмий иш юксак даражада бўлиши зарурлигини таъкидлади. Бусиз халқ хўжалиги учун малакали мутахассислар тайёрлаш мумкин эмас. Илм-фан амалда бевосита ишлаб чиқарувчи куч бўлиб қолган шароитда, нотиқнинг фикрича, олий мактабларнинг юксак илмий потенциалидан ҳозирги вақтдагига қараганда анча самарали фойдаланилмоғи лозим. Мамлакат бутун халқ хўжалиги манфаатларини кўзлаб, олий мактаб илм-фани Госплан ва СССР Министрлар Советининг Фан ва техника давлат комитети томонидан эўр эътибор билан қаралишга муҳтож ва шунга муносибдир.

Шу билан Иттифоқ Советининг биринчи мажлиси ёпилди.

МИЛЛАТЛАР СОВЕТИДА

28 октябрь соат 10 да палаталарнинг мажлислар залида Миллатлар Советининг Раиси депутат **В. П. Рубен** раислигида СССР Олий Совети Миллатлар Советининг биринчи мажлиси очилди.

Депутатлар ва меҳмонлар **А. Н. Косигин, А. Я. Пельше, Д. Ф. Устинов, П. М. Машеров, Ш. Р. Рашидов, М. В. Зимянин** ўртоқларни қарсаклар билан кутиб олдилар.

Сессия қатнашчилари сессиялар ўртасидаги вақтда вафот этган депутатлар Я. С. Гросул ва Г. С. Дзоценидзе хотирасини ўринларидан туриб, ҳурмат билан эсладилар.

Миллатлар Совети мандат комиссияси раиси, депутат **Э. А. Шеварднадзе**нинг ўрни бўшаб қолган депутатлар ўрнига сайланган депутатларнинг ваколатларини мандат комиссияси текшириб чиққанлиги тўғрисида қилган докладини тинглади.

Миллатлар Совети Эстония ССР Таллин — Марказий сайлов округидан Миллатлар Советига сайланган депутат Э. К. Оқасинг ваколатини ҳамда Грузия ССР Гегочкори сайлов округидан Миллатлар Советига сайланган депутат З. А Патаридзе ваколатини тўғри деб топишга қарор қилди.

План-бюджет комиссиясининг раиси депутат **Н. Н. Масленников** 1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантириш Давлат беш йиллик плани СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1977 йилги Давлат плани ва СССРнинг 1977 йилги Давлат бюджети тўғрисида, шунингдек СССРнинг 1975 йилги Давлат бюджетининг ижроси ҳақида Миллатлар Совети план-бюджет, тармоқ комиссиялари ҳамда ёшлар билан ишлаш комиссиясининг қўшимча докладини қилди.

Комиссиялар беш йиллик плани, шунингдек комиссиялар айтган таклифларни ҳисобга олган ҳолда 1977 йилги плани тўла-тўкис маъқуллашни таклиф қилди.

Комиссиялар 1977 йилги план бўйича тузатишларни ҳисобга олган ҳолда бюджет даромадларини 132 миллион сўм кўпайтиришни таклиф қилди.

Н. И. Масленников СССРнинг 1977 йилги Давлат бюджетини тузатишларни ҳисобга олган ҳолда даромадлар бўйича 238.939.972 минг сўм миқдорида, харажатлар бўйича 238.732.458 минг сўм миқдорида, даромадлар ҳаражатлардан 207.514 минг сўм миқдорида ошиқ қилиб тасдиқлашни, шунингдек СССРнинг 1975 йилги Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлашни таклиф этди.

Сўнгра Миллатлар Советида 1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг Давлат беш йиллик плани масалалари юзасидан, СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1977 йилги Давлат плани тўғрисида, СССРнинг 1977 йилги Давлат бюджети ҳақида ва мамлакатнинг 1975 йилги Давлат бюджетининг ижроси тўғрисида музокаралар бошланди.

Депутатлар КПСС Марказий Комитетининг, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси ва ленинчи партия Марказий Комитети Бош секретари шахсан ўртоқ Л. И. Брежневнинг фаолияти кўп томонлама ва самарали бўлганлигини гапирдилар. Улар сессия арафасида бўлиб ўтган КПСС Марказий Комитетининг Пленуми партиянинг халқ фаровонлиги тўғрисида, социалистик Ватанни равнақ топтириш ҳақида доимо ғамхўрлик қилаётганлигининг янги далили бўлди, деб таъкидладилар.

Ҳамма нотиқлар муҳокама этилаётган план ва Давлат бюджети лойиҳаларини СССР Олий Совети доимий комиссияларининг тузатишлари ва таклифларини ҳисобга олган ҳолда маъқуллаш ва тасдиқлашни таклиф этдилар.

Миллатлар Советидаги мустақил Украина Компартияси Марказий Комитетининг секретари депутат **Н. М .Борисенко** биринчи бўлиб сўзга чиқди. У республика халқ хўжалигини ривожлантириш проблемаларига муфассал тўхталди. Республика ўнинчи беш йилликда дадил иш бошлади. Металлургия, кўмир қазиш, юксак сўрватлар билан ривожланиб бормоқда, электр-энергия ҳосил қилиш, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ўсмоқда. Ялпи дон ҳосили, ўртача йиллик қанд лавлаги етиштириш, бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш кўпайди.

Нотиқ Украина корхоналари, қурилишлари, колхоз ва совхозларида бўлган ички резервлардан янада тўлароқ фойдаланиш проблемасига катта эътибор берди.

Қозогистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси, депутат **С. Б. Ниёзбеков** республикада беш йиллик охирига бориб 400 дан ортиқ саноат корхоналари, цехлар ишга туширилишини маълум қилди. Қозогистон аввалгидек бундан буён ҳам дон, гўшт, жун ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирадиган катта республика бўлиб қолаверади.

Депутат қишлоқ хўжалигини янада такомиллашган техника билан таъминлашнинг баъзи проблемаларига тўхталдики, буларни СССР Госплани, СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги, «Союзсельхозтехника» ва бошқа баъзи министрликлар ҳал этишларини тақозо қиладн.

РСФСР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари депутат **Л. П. Ликова** СССР Олий Советининг муҳокамасига қўйилган халқ хўжалигини ривожлантириш Давлат беш йиллик планида, СССРнинг 1977 йилги план ва бюджетида меҳнат аҳли тўғрисида, унинг фаровонлиги ва бахт-саодати ҳақида ғамхўрлик тўла акс эттирилган деди.

Депутат қурилиш индустрияси халқ хўжалигининг катта ва мураккаб соҳаси эканлигини таъкидлаб, бу борадаги мавжуд камчиликларга тўхталди. У РСФСРнинг бир қанча областлари, ўлкалари ва автоном республикаларида корхоналарнинг ўй-жой ва социал-маданий объектлар билан бир вақтда комплекс равишда қурилиши тўла-тўкис таъминланмаётганлигига эътиборни жалб қилди.

Грузия ССР Министрлар Советининг Раиси депутат **З. А. Патаридзе** республика меҳнаткашларининг ўнинчи беш йиллик биринчи йилида эришган муваффақиятлари тўғрисида гапирди. Чойкорлар ҳар биринчи марта 356 минг тонна сортли чой барги тайёрладилар ва бу билан ўнинчи беш йиллик охирги йили маррасига чиқа олдилар. Бу йил қишлоқ меҳнаткашлари мамлакатга дон, ҳўл мева, цитрус экинлари ҳосили, қанд лавлаги, эфир мойли экинлардан ва бошқа экинлардан рекорд даражада ҳосил йиғиштириб берадилар. Давлатга гўшт, сут, тухум сотиш юзасидан зиммага олинган социалистик мажбуриятлар ошириб бажарилади. Чорва бошининг пландаги ўсиши таъминланади.

З. А. Патаридзе республика чойкорлари 1980 йилга бориб планда кўзда тутилганидек 355 минг тонна эмас, балки 380—400 минг тонна чой барги етиштиришга қарор қилганликларини айтди.

Депутат республика халқ хўжалигини ривожлантиришда на фақат ҳозир, балки келгусида ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган масалаларни ҳал этиш зарурлигини уқтирди. У энергетика базасини янада ривожлантириш, чойкорлар меҳнатини кенг қўламда механизациялаш, ташиш ишларини тубдан яхшилаш, республиканинг Қора денгиз соҳили бўйлаб қирғоқни мустаҳкамлаш ишларини кенгайтириш зарурлигини айтди.

Белоруссиядаги Ленин комсомоли номли Барановичи ип-газлама комбинатининг йигирувчиси депутат **В. П. Булова** бизнинг бугун ўнинчи беш йиллик планини муҳокама қилаётиб, эртанги кунга нигоҳ ташлаймиз ва Ватанимизни янада бадавлат ва қудратли ҳолда кўрамиз, деди. У беш йилликда икки шахсий беш йиллик топшириғини бажариш мажбуриятини зиммасига олганлигини маълум қилди. Ип йигирувчи 6 июлгача ўнинчи беш йиллик биринчи йили топшириғини бажариб қўйди.

Корхонамизнинг ўн минг кишилик бутун коллективи баланд руҳ билан ишлаяпти. Маҳаллий Советларнинг депутатлари, деб давом қилди нотиқ, комбинат коллективи зиммасига олган социалистик мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилишига сезиларли ҳисса қўшяпти-лар.

СССР Олий Совети депутатларнинг статуси тўғрисида қонун қабул қилгандан кейин маҳаллий Советлар депутатларининг меҳнат коллективидаги роли анча ошди.

Тўқимачиларнинг меҳнат, турмуш шароитлари ва ҳордиқ чиқаришларини яхшилаш борасида кўп ишлар қилинмоқда. Комбинатнинг ўй-жой микрорайонида ажойиб маданият саройи, магазинлар, иккита умумий таълим ва музика мактаблари, ҳунар-техника билим юртқурилди. Республиканинг ҳушманзара жойида дам олиш базаси ва пионер лагери очилди. Ҳар йили Қора денгиз соҳилида 300 дан ошиқ фарзандларимиз дам олиб келишяпти.

В. П. Булова тўқимачиларнинг сиҳат-саломатликлари тўғрисидаги ғамхўрлик ҳақида гапириб, шовқинга қаршн янада жиддийроқ кураш олиб бориш зарурлигига эътиборни жалб қилди. Мутахассислар шу соҳада зарур чораларни тезроқ ишлаб чиқишлари лозим.

ВЦСПС секретари депутат **В. И. Прохоров** мамлакатимизнинг меҳнаткашлари партия белгилаб берган планларни муваффақиятли амалга ошираётилар, деди. Шу режаларни амалга ошириш умумхалқ курашида Совет касаба союзлари ҳам қатнашмоқда. Улар ўзларининг бутун фаолиятларини ишлаб чиқаришни юксалтириш, 1976 йилги халқ хўжалик плани муваффақиятли бажарилиши учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини авж олдиришга қаратмоқдалар. Бу мусобақа чинакам умумхалқ мусобақасига айланди ва унда 87 миллиондан кўпроқ ишчи ва хизматчи қатнашмоқда.

Ўртоқ Л .И. Брежневнинг саноат, транспорт, қурилиш, қишлоқ хўжалиги новаторлари ҳамда илғорларига юборган табриклари ва қутловлари мусобақани янада кенг авж олдириш учун жўда катта сиёсий ва маънавий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Депутатнинг нутқида мукобил планларга катта ўрин берилди. Бундай планларнинг аҳамияти шуки, меҳнаткашлар ижодий изланишларини ишлаб чиқаришнинг беш йиллик асосий вазифаларига мос келувчи сифат омилларига қаратмоқдалар. Жамоат ташкилотлари ҳар бир ишлаб чиқариш коллективида муқобил план бўлишига эришмоқликлари зарур.

Ҳар бир меҳнат куни—партия марксизм-ленинизмнинг сўнмас идеяси асосида тарбиялаган совет кишиларининг юксак онглилиги ва жанговар руҳларининг намоёнидир, деди Қирғизистон ССР Министрлар Советининг Раиси, депутат **А. С. Суюмбоев.** Ўнинчи беш йиллик биринчи йилидаги меҳнат зафарлари шундан далолат беради. Барча қардош республикалар меҳнаткашларининг қаҳрамонона куч-ғайратлари мана шу зафарларда мужассамлашди.

Қирғизистон саноати шу йилги ўн ойлик плани маҳсулот реализация қилиш жиҳатидан 26 октябрда бар вақт бажарди. Меҳнат унумдорлигини ўстириш топшириғи ошириб бажарилмоқда. Ишлаб чиқариш сифати ва самарадорлигини юксалтиришга асосий эътибор берилмоқда. Қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари янги беш йилликни дастлабки муваффақиятлар билан нишонладилар. Ҳамма йиллар мобайнида энг кўп ялпи дон ҳосили олинди, пахта, сабзавот, бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш борасидаги мажбуриятлар ошириб бажарилди. Буларнинг ҳаммаси шу беш йилликда бажарилиши лозим бўлган катта ишларнинг бошланишидир, холос.

А. С. Суюмбоев шу беш йилликда республика индустрияси баъзи тармоқларини жадал суръатлар билан ривожлантиришга қаратилган бир қанча таклифларни айтди.

Совет ишчилари партиянинг улуғвор режаларини амалга ошириш учун бутун куч-қувват, тажриба, билимларини сарфлашга тайёрдирлар, деди Горбунов номли Қозон авиация заводининг фрезерчиси депутат **Г. А. Асхадуллин.**

Депутат бу йил нефтчилар ва нефть химиклари, машинасозлар ва энергетиклар, КАМАЗни ва Набережние Челни шаҳрини қураётган коллективлар эришган муваффақиятлар тўғрисида фахрланиб гапирди. Йил сайин авиация заводи цехларида тобора кўпроқ замонавий юксак самарали машина-ускуналар ўрнатилмоқда. Заводда маҳсулот сифатини ошириш ҳаракати кенгайиб бормоқда, топшириғлар иш учун ҳар бир ходимнинг шахсий масъулияти ошмоқда.

Мана шу чинакам умумхалқ мусобақасининг муваффақияти бир қанча омилларга боғлиқ. Г. А. Асхадуллин ишчи ўртоқлари номидан мамлакатнинг станокозларига мурожаат этиб, машинасозлик маҳсулоти сифатини кескин равишда ошириш учун зарур янада мукаммал техника ва асбоблар яратилишини тезлаштиришни илтимос қилди.

Арманистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари депутат **Г. А. Мартиросян** ўнинчи беш йиллик плани мамлакат ишлаб чиқариш ва илмий-техника потенциалини ўстиришнинг ва халқ фаровонлигини янада оширишнинг улкан программасидир, деди.

Нотиқ ўнинчи беш йилликда Арманистон ССР экономикаси ва маданиятининг ривожланишини кўрсатиб берувчи рақамлар ва фактлар келтирди.

Депутат капитал қурилиш масалаларига катта эътибор берди. У жумладан қурилишларнинг моддий-техника таъминот системасини ва уларни пул билан таъминлашни янада такомиллаштириш зарурлигини айтди. Нотиқнинг фикрича, янги қурилишларга машина-ускуна етказиб бериш вазифаси битта ташкилот — СССР Госснаби зиммасига юклатилмоғи лозим.

Газ уй-рўзғорда оддий ёқилғи тури бўлиб қолди, баъзи саноат корхоналари эса уни хом ашё сифатида ишлатмоқда. Шундай шароитларда газ билан мунтазам таъминлаб туришнинг алоҳида аҳамияти бор. Холбуки, амалда бундай эмас. Нотиқ Газ саноати министрлигига мурожаат этиб, Арманистоннинг газ билан пухта таъминлаб турилишини илтимос қилди.

Миллатлар Совети транспорт ва алоқа доимий комиссиясининг раиси сифатида Г. А. Мартиросян темир йўлларнинг ишига ва уларни ривожлантиришга эътиборни анчагина жалб қилди.

Коммунизм моддий-техника базасини яратишда, интимоий муносабатларни такомиллаштиришда, барча совет кишиларида марксча-ленинча дунёқарашни шакллантиришда, социалистик турмуш тарзини ривож топтиришда партиямиз ва ҳукуматимиз олий ва ўрта махсус мактабларга, таълимнинг бутун системасига катта аҳамият бермоқдадар, деди СССР олий ва ўрта махсус таълим министри депутат **В. П. Елютин.**

Социалистик давлат социал келиб чиқиши, молмулки ва миллатидан қатъий назар, ҳамма гражданларга таълим олишда баравар ҳуқуқ берибгина қолмай, шу ҳуқуқ амалга оширилишини ҳам таъминлайди.

Нотиқ халқ хўжалигига мутахассислар тайёрлаш сифати олий ва ўрта махсус мактаб учун фаолият мезони ҳисобланади, деди. Ҳозирги вақтда ҳамма олий мактаб коллективлари, ҳар бир муаллимнинг куч-ғайрати шу мақсадга қаратилган. Биз олий ва ўрта махсус мактабни битириб чиққан ҳар бир киши юқори малакали мутахассис бўлишидан ташқари, уйғун камол топган шахс, мамлакатимизда коммунистик жамият қуришнинг актив қатнашчиси бўлишига доимо ҳаракат қиламиз.

Шу сессияда совет халқи эришган муваффақиятлар тўғрисида гапирилди, деди Тошкент областидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» тажриба-намуна хўжалигининг тракторчи-звено бошлиғи депутат **Э. Алиев.** Бу муваффақиятлар партиянинг, партия Марказий Комитетининг, унинг КПСС Марказий Комитетин и н г Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Сиёсий бюросининг доно сиёсати туфайли қўлга киритилди.

Звеномиз, деди Э. Алиев, Ватанга берган ваъдасини бажарди. 72 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 60 центнердан пахта териб олинди. Бу пахтанинг 95 проценти машиналарда терилди.

Хўжалигимизда кўп яхши ўзгаришлар бор, деб давом қилди у. Хўжалигимиз техника билан, ўғитлар билан таъминланган, ирригация шохобчалари тартибга келтирилган. Ҳар йили ўнлаб оила янги уйларга кўчиб кирмоқда. Посёлка аҳолиси шаҳардаги сингари хизматлардан баҳраманд бўляпти. Лекин биз эришилган натижалар ишнинг бошланишигина эканлигини биламиз. Маҳсулот етиштиришни кўпайтирадиган кўпгина резервлар борки, уларни тезроқ ишга солиш зарур. Нотиқ, жумладан, колхоз ва совхозларга гербицид моддалар, замонавий ер текислагич техника етказиб беришни кўпайтириш тўғрисида таклиф киритди.

Шу билан Миллатлар Советининг биринчи мажлиси тугади.

Соат 15 да палаталарнинг мажлислар залида Иттифоқ Советининг раиси депутат **А. П. Шитиков** раислигида СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг иккинчи мажлиси очилди.

Депутатлар ва меҳмонлар **Л. И. Брежнев, Ю. В. Андропов, В. В. Гришин, А. А. Громико, А. П. Кириленко, Ф. Д. Кулаков, Д. А. Кунаев, К. Т. Мазуров, Н. В. Подгорний, Г. В. Романов, М. А. Суслов, В. В. Шчербицкий, Г. А. Алиев, П. Н. Демичев, М. С. Соломенцев, И. В. Капитонов, В. И. Долгих, К. Ф. Катушев, К. У. Черненко, Я. П. Рябов** ўртоқларни узоқ давом этган гулдурос қарсаклар билан кутиб олдилар.

Депутатлар 1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантириш Давлат беш йиллик плани тўғрисидаги, СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1977 йилнинг Давлат плани ҳақидаги, СССРнинг 1977 йилги Давлат бюджети тўғрисидаги ва СССРнинг 1975 йилги Давлат бюджетининг ижроси ҳақидаги масалаларни муҳокама қилишни давом эттирдилар.

СССР Олий Советининг сессияси 29 октябрда ўз ишини давом эттиради.

(ТАСС).

*

Депутат Н. Ж. ХУДОЙБЕРДИЕВ нутқи

(Андижон область, Избоскан сайлов округи)

Депутат ўртоқлар! Ўнинчи беш йилликда ва 1977 йилда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг ҳамда мамлакат Давлат бюджетининг ушбу сессияда қараб чиқилаётган планлари жуда катта сиёсий ва халқ хўжалиги аҳамиятига молик ҳужжатлардир. Бу ҳужжатларда КПСС тарихий XXV съездининг ғоялари ва қарорлари мужассамлашган. Совет Иттифоқи куч-қудратини янада ўстиришнинг, мамлакатимиздаги барча қардош республикалар равнақининг, совет кишилари фаровонлигини оширишнинг улуғвор истиқболлари кўрсатиб берилган.

КПСС Марказий Комитетининг кечагина бўлиб ўтган Пленуми партиямиз, унинг Марказий Комитети, атоқли партия ва давлат арбоби ўртоқ Леонид Ильич Брежнев бошчилигидаги Марказий Комитет Сиёсий бюроси коммунистик қурилишнинг ҳозирги босқичида Совет давлатини ривожлантиришнинг етилган масалаларини ленинча донишмандлик билан ва истиқболни кўзлаб ҳал этаётганлигини яна бир марта яққол кўрсатди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумда сўзлаган программа аҳамиятига молик нутқида мамлакат ички ҳаётининг ва халқаро ривожланишнинг актуал масалалари ёритиб берилди, ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилида совет халқи эришган катта зафарларнинг натижалари якунланди ва чуқур таҳлил этилди. Келгусидаги вазифалар аниқ белгилаб берилди. Ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг нутқи кадрларимизга, барча меҳнаткашларга янада ғайрат билан ишлаш, самарадорликни ва иш сифатини ҳар тарфлама ошириш масалаларига диққат-эътиборни кучайтириш йўлини кўрсатиб беради.

Барча совет кишилари сингари Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам Коммунистик партиянинг доно ички ва ташқи сиёсатини якдиллик билан қўллаб-қувватлайдилар ва маъқуллайдилар, улар бу сиёсат коммунистик қурилишда, тинчлик ва халқаро ҳамкорлик учун, халқларнинг озодлиги ва мустақиллиги учун курашнинг партия ишлаб чиққан программасини амалга ошириш учун курашда янги муваффақиятларга эришишнинг энг тўғри тарови деб ҳисоблайдилар.

Ўзбекистон меҳнаткашлари КПСС XXV съезди қарорларини бажонидил қабул қилиб, социалистик мусобақа байроғини баланд кўтардилар, ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилидаги оширилган мажбуриятларни бажариш учун зўр ғайрат-шижоат билан курашмоқдалар.

Жадал суръатлар билан ривожланаётган социалистик индустрия муҳим маррани эгаллади. Республика саноатининг меҳнатчилари ўн ойлик плани муддатидан илгари бажардилар, 350 миллион сўмлик маҳсулот планга қўшимча равишда реализация қилинади, сифат кўрсаткичлари анча яхшиланмоқда.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши юксалиш йўлидан дадил бормоқда. Республика колхоз ва совхозлари бу йил давлатга 1 миллион тонна галла, шу жумладан 250 минг тонна шоли сотдилар. Сабзавот-мева маҳсулотларини давлат йўли билан харид қилиш 2 миллион 300 минг тоннадан ортиб кетди, шу жумладан, Умуминтифоқ фондига 700 минг тонна мева ва сабзавот етказиб берилди. Чорвачилик маҳсулотларини тайёрлаш планлари муваффақиятли бажарилмоқда.

Деҳқонларимиз пахта етиштиришни бутун чоралар билан кўпайтиришни ўзларининг энг юксак ватанпарварлик ва интернационал бурчлари деб ҳисобламоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг, Совет ҳукуматининг ва СССРдаги барча қардош халқларнинг катта, доимий ёрдами туфайли Ўзбекистон меҳнаткашлари мўл ҳосил етиштирдилар.

Республика пахтакорлари бу йилги кузда об-ҳаво шароитлари ҳаддан ташқари ноқулай келган ҳозирги пайтда йиғим-терим ишларини тезроқ тамомлаш ва ўзларининг социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажариш учун қаҳрамонона меҳнат қилмоқдалар.

Леонид Ильичнинг Пленумда сўзлаган нутқида пахтакорлар янги беш йиллиқнинг биринчи йилида 8 миллион тонналик маррадан ўзиб кетадилар, деб ишонч билан айтган сўзлари қишлоқ меҳнаткашларини янги меҳнат жасоратларига даъват этмоқда. Колхоз ва совхозларимиз бугунга қадар тайёрлов пунктларига 4 миллион 700 минг тонна пахта топшердилар. Шунинг учун ҳам биз Ўзбекистон ўз сўзининг устидан чиқади — Ватанга ваъда қилган 5 миллион 300 минг тонна «оқ олтин»ни етказиб берадн деб ишонч билан айта оламиз. (**Қарсаклар**).

КПСС Марказий Комитетининг 1966 йил май Пленуми қарорларига биноан мелиораториллаш ишлари кенг программасининг амалга оширилиши қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришда ҳал қилувчи роль ўйнади. Республикада ўн йил мобайнида қарийб 800 минг гектар янги ер ўзлаштирилди ва қишлоқ хўжалиги оборотига киритилди. Қарийб 2 миллион гектар суғориладиган майдонларни сув билан таъминлаш яхшиланди. Янги замонавий суғориш системалари барпо этилди. Мирзачўлда, Жиззах, Қарши, Сурхон — Шеробод даштларида пахта етиштиришнинг йирик базалари, шунингдек Қорақалпоғистон Автоном Республикасида эса шолиқорлик базаси барпо этилди.

Бутун мамлакатда бўлганидек, Ўзбекистонда ҳам кенг социал программа амалга оширилмоқда, шаҳарлар ва қишлоқларни қуриш ҳамда обод қилишда, ўй-жой шароитларини яхшилашда, аҳолига медицина, коммунал, савдо ва маиший хизмат кўрсатишни яхшилашда ижобий натижаларга эришилди. Шаҳар билан қишлоқ аҳолисининг моддий ва маданий турмуш шароитларини тобора кўпроқ яқинлаштириш тўғрисида КПСС XXV съезди ўртага қўйган вазифага биноан республикамизда қишлоқ меҳнаткашларининг турмуш маданиятини ошириш соҳасида катта иш олиб борилмоқда. Хуллас, экономикамизнинг барча соҳаларида ўнинчи беш йиллик яхши суръатлар билан бошланди.

Ўртоқлар, биз шу билан бирга айрим участкаларда иш партия XXV съезди қарорлари талаб этганидек бормаётганлигини яққол кўриб турибмиз. Бизда айрим корхоналар, қурилишлар ва хўжаликлар борки, уларда самарадорлик ва иш сифати масалалари ҳали диққат марказига қўйилмаган, план интизоми бузилишига йўл қўйилмоқда, резервлардан оқилона фойдаланиш тўғрисида тегишли даражада ғамхўрлик қилинмаётир.

КПСС Марказий Комитетининг октябрь Пленумида ўртоқ Леонид Ильич Брежнев сўзлаган нутқини ва Пленум қарорларини қизғин кутиб олган Ўзбекистон барча меҳнаткашларининг алоҳида диққат-эътибори ҳозир ана шу масалаларга қаратилгандир.

Депутат ўртоқлар! Бутун мамлакат сингари Ўзбекистон учун ҳам янги беш йиллик катта зафарлар беш йиллиги бўлади. Белгиланган планларнинг бажарилиши республика иқтисодий потенциалини анча ошириш имкониятини беради.

Саноат юксак суръатлар билан ривож топади. Беш йилликнинг охирги йилида саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш 1975 йилга нисбатан 36 процентдан зиёд кўпаяди, «Б» группаси тармоқлари жадал суръатлар билан ривож топади, халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш 46,4 процент ортади. Бу молларни барча тармоқларнинг саноат корхоналари ишлаб чиқаради.

Саноат ишлаб чиқаришнинг кўзда тутилган ўсиши кўпгина корхоналарни қайта қуришни ва техникавий қайта қуроллантиришни, фан-техника тараққиёти эришган муваффақиятларни кенг ишлатишни талаб этади. Бу соҳада кўпгина иш қилиш керак.

Масалан, барқарор ёқилғи-энергетика балансини барпо этиш масаласини сира кечиктирмасдан ҳал этиш талаб қилинади. Химия саноати, машинасозлик ва бошқа шунга ўхшаш тармоқлар интенсив равишда ривожланиши муносабати билан республиканинг табиий газга бўлган эҳтиёжи 1980 йилга бориб 22-23 миллиард куб метрга етади. Лекин бунинг учун магистрал газ қувурлари системасининг газ ўтказиш қуввати ҳаддан ташқари камлик қилади. Дарвоқе, ҳозир ҳам, хусусан кузги-қишки даврда халқ хўжалигини газ билан таъминлашда анчагина қийинчиликлар вужудга келмоқда. Катта-катта электростанцияларда, саноат корхоналарида, маиший эҳтиёжлар учун ҳам газ истеъмол қилишда кўпинча кескин чегаралашни жорий этишга тўғри келмоқда. Биз СССР Госланнидан, Газ саноати министрлигидан ҳамда СССР Нефть ва газ саноати корхоналари қурилиши министрлигидан ана шу масала юзасидан таклифларимизни қараб чиқишни ва бу масалани иложи борича дурустроқ ҳал қилиб беришни сўраймиз.

Республиканинг ишлаб турган саноат корхоналаридаги қувватлардан янада тўлароқ фойдаланиш мақсадида уй-жой, мактабгача болалар муассасалари ва маданий-маиший аҳамиятга эга бўлган бошқа объектлар қурилишини кенгайтириш астойдил талаб қилинади. СССР Енгил саноат министрлиги, СССР Енгил ва озиқ-овқат саноати ҳамда маиший приборлар учун машинасозлик министрлиги, СССР Озиқ-овқат саноати министрлиги, СССР Химия саноати министрлиги, СССР Трактор ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги министрлиги, СССР Бинокорлик материаллари саноати министрлиги, СССР Тайёрлаш министрлигига қарашли корхоналарнинг ишчилари уй-жой, мактабгача болалар муассасалари ва маданий-маиший аҳамиятга эга бўлган бошқа объектлар қурилишини кенгайтириш астойдил талаб этади. Бу соҳада кўпгина иш қилиш керак.

Масалан, барқарор ёқилғи-энергетика балансини барпо этиш масаласини сира кечиктирмасдан ҳал этиш талаб қилинади. Химия саноати, машинасозлик ва бошқа шунга ўхшаш тармоқлар интенсив равишда ривожланиши муносабати билан республиканинг табиий газга бўлган эҳтиёжи 1980 йилга бориб 22-23 миллиард куб метрга етади. Лекин бунинг учун магистрал газ қувурлари системасининг газ ўтказиш қуввати ҳаддан ташқари камлик қилади. Дарвоқе, ҳозир ҳам, хусусан кузги-қишки даврда халқ хўжалигини газ билан таъминлашда анчагина қийинчиликлар вужудга келмоқда. Катта-катта электростанцияларда, саноат корхоналарида, маиший эҳтиёжлар учун ҳам газ истеъмол қилишда кўпинча кескин чегаралашни жорий этишга тўғри келмоқда. Биз СССР Госланнидан, Газ саноати министрлигидан ҳамда СССР Нефть ва газ саноати корхоналари қурилиши министрлигидан ана шу масала юзасидан таклифларимизни қараб чиқишни ва бу масалани иложи борича дурустроқ ҳал қилиб беришни сўраймиз.

Республиканинг ишлаб турган саноат корхоналаридаги қувватлардан янада тўлароқ фойдаланиш мақсадида

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР

ЮКСАК УЮШҚОҚЛИК ВА ПАРТИЯВИЙ ТАЛАБЧАНЛИК

ОММАНИНГ ЕТАКЧИЛАРИ

Шу йилнинг бошида партия ташкилоти бюроси шоферлар ўртасида вужудга келган яхши бир ташаббусни қўллаб-қувватлади. «Сафимизда бирорта ҳам қолоқлар бўлмасин» деган ташаббус энг аввал коммунистлар ўртасида, сўнг бошқа шофер ва механиклар ўртасида кенг ёйилди. Партия йиғилишида ҳар бир коммунист ўз зиммасига оширилган мажбурият қабул қилиш билан бирга ёш шоферларни ўз оталиғига олишга қарор қилди. Мураббийлик ҳаракати кенгайди.

Ўтган тўққиз ой катта муваффақиятларга эришилган ойлар бўлди. Партия ташкилотининг хўжаликка раҳбарлик, социалистик мусобақани авж олдириш, ташкилий-тарбиявий ишлар соҳасида белгилаган тадбирлари изчиллик билан амалга оширилаётгани яхши натижалар берди. Ойлик план ва мажбуриятлар ошириб бажарилянти. Яқинда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида коммунистлар мавжуд имкониятларни ҳисоб-китоб қилиб, халқ хўжалиги юклари ташиш йиллик планини муддатидан илгари бажариш ҳамда пландан ташқари 30 минг тонна юк ташиш, меҳнат унумдорлигини 1,5 баравар ошириш, камида 10 минг сўмлик ёнилги, эҳтиёт қисмлар ва бошқа материалларни тежаш юзасидан янги мажбуриятлар қабул қилдилар.

Йиғилишда дурадгор В. Карастиков, шоферлардан Ю. Закиев, Б. Қўшбоқов, бригада бошлиғи А. Сейтасанов ўртоқларнинг сўзи айниқса чуқур таассурот қолдирди. Улар партия йиғилиши коммунистларнинг ҳақиқий тарбия мактабига айлачгани, бу йиғилишларни тайёрлашда ва қарорлар ижросини таъминлашда ҳар бир коммунист актив иштирок этаётгани ҳақида мароқ билан гапирдилар.

М. ЁҚУБОВ,
Самарқанд шаҳридаги 2909-автоколонна механиги.

ИЖОДИЙ ИЗЛАНИШ ВАЗИЯТИ

Ширин-шакар Хоразм қовунларининг кўпи Гурлан районидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхозида етиштирилади. Бу хўжалик қовунчиликка ва сабзавотчиликка ихтисослаштирилгандир. Энг ширин қовунларнинг уруғи шу ерда тайёрланиб, бошқа хўжаликларга етказиб берилади. Совхоз партия ташкилоти сафи ончалик катта бўлмаса ҳам унинг таъсир кучи, коммунистларнинг активлиги ва ташаббускорлиги ҳар бир соҳада яққол сезилиб турибди. Партбюро совхоз коллективини ўнинчи беш йиллигининг биринчи йили учун зиммага олинган мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун курашга кенг сафарбар этмоқда. Социалистик мусобақани, айниқса унинг тарбиявий ролини, таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошириш партия ташкилотининг доимий диққат-эътиборида бўлмоқда. Коммунистлар ишлаб чиқаришда авангардлик ролини ўтамоқдалар. Хўжалик шу кунгача 1070 тонна қовун-тарвуз топшириб, йиллик планни 130 процент қилиб уддаларганлигида уларнинг ташаббускорлик ва сафарбарлиқ роли айниқса катта бўлди. Хўжаликда полиз маҳсулотлари етиштириш ўтган йилдагидан 500 тонна кўпайди. 700 тоннадан кўпроқ ширин-шакар қовун ва тарвузлар мамлакатимизнинг шимолидаги шаҳарларга жўнатилди.

Совхоз бошланғич партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилиши таҳлили ва ўз-ўзини таҳлил руҳида ўтди. Партбюро секретари Ю. Жўманиёзов қилган ҳисобот докладида ўзи, коммунистларнинг нутқларида ҳам ҳал бўлмай қолган масалалар, йўл қўйилган айрим нуқсонлар ҳақида кўпроқ гап борди.

Музокарада сўзга чиққан коммунистлардан Э. Қурбонов, С. Абдуллаева, А. Шихов, К. Худоёрова социалистик мусобақанинг оммавийлиги ва ошкоралигини таъминлаш, далада ишлаётганлар учун зарур маданий-маиший шароит яратиб бериш борасида партия ташкилоти ўз ишини янада такомиллаштириши зарурлигини таъкидладилар.

Йиғилишда механизатор кадрлар тайёрлаш, капитал қурилиш ишларини жонлантириш, совхоз ишчиларининг турмуш маданиятини яхшилаш юзасидан ҳам қимматли фикр ва мулоҳазалар билдирилди. Йиғилишда партбюронинг янги состави сайланди.

К. ҚУРБОНОВ.

АКТИВЛИК, ТАЛАБЧАНЛИК

Заводимиз коммунистлари ҳисобот-сайлов йиғилишига катта меҳнат муваффақиятлари билан келдилар. Корхона бўйича тўққиз ойлик маҳсулот ишлаб чиқариш плани муддатидан илгари ошириб бажарилди.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида коммунистлар актив иштирок этишди. Кўп коммунистлар сўзга чиқиб, эришилаётган муваффақиятлар ҳақида, шунингдек, ишда рўй бераётган айрим камчиликлар тўғрисида сўзладилар. Ўзаро талабчанлик ва ишчанликни, топширилган иш учун масъулиятни ошириш зарурлигини таъкидладилар. М. Ғаниева, И. Омонов, Б. Сатторов, Р. Кенжаев, И. Жўрақулов каби коммунистлар корхонада ҳали ҳам меҳнат интизоми пастлиги, партия ташкилотининг бу ишга етарли эътибор билан қарамаётганлигини қатиқ танқид қилдилар.

Коммунистлар шунингдек, партия аъзоларининг активлигини, ишлаб чиқаришдаги авангардлик ролини, ғоявийлигини ошириш партбюро фаолиятида асосий ўрин эгаллаши лозимлигини таъкидладилар. Уларнинг бу таклиф ва мулоҳазалари йиғилиш қароридан муҳим ўрин олди. Коммунистлар партбюронинг ишчанлигини янада ошириш мақсадида унга аъзо қилиб энг тажрибали ва ташаббускор кишиларни сайладилар.

О. АМИРҚУЛОВ,
Шеробод районидаги пахта тозалаш заводининг смена мастери.

МЕҲНАТ ИНТИЗОМИ — ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

— Бошланғич партия ташкилоти ҳисобот даврида ишчи ва хизматчилар, инженер-техник ҳодимлар ўртасида меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, сиёсий-тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш борасида баъзи камчиликларга йўл қўйди...

Коммунист А. Бобоев ўзининг бу фикрини конкрет фактлар асосида исботлаб берди. Чунончи, ўтган тўқиз ой мобайнида прогул-чилар, ишга чиқмай қолган кишилар ҳисобига коллектив 618 киши-соати йўқотди.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида сўзга чиққан нотиқлардан О. Димов, Т. Давронов, А. Хўжақулов ўртоқлар ҳам бу фикрларни қўллаб-қувватлашди. Маълумки, 30-автобаза Гулистон шаҳрида йирик транспорт хўжаликларидан бири ҳисобланади. Бошлангич партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилишида коллектив амалга ошираётган ибратли ишлар таъкидланиши билан бирга мавжуд камчиликлар рўйхати тилга олинди.

Автобаза коллективи қўриқ областининг 117 ташкилотига транспорт хизмати кўрсатмоқда. Ҳар куни бу ердан 230 та яқин автомашина узоқ-яқин манзилларга отланади. Ўнинчи беш йиллиги биринчи йилида коллектив бир миллион 620 минг тонна халқ хўжалик юкларини ташиш мажбуриятини қабул қилган. Коллектив транспортдан фойдаланиш салмоғини муттасил ошириш орқали бунга эришмоқчи. Тўққиз ойлик якун мажбуриятлар сўзсиз бажарилишини кўрсатмоқда. Лекин партия ҳисобот-сайлов йиғилишида асосий эътибор транспорт хизмати самарадорлигини янада ошириш, ҳаракат ҳавфсизлигини таъминлашга қаратилди. Коммунистларнинг авангардлик ролини кучайтириш йиғилиш қатнашчиларининг диққат марказида турди. Бошланғич партия ташкилотининг секретари Д. Арслонов ўз докладида истиқболга синчковлик билан назар ташлади. Хўжалик вазифаларини бажаришда партия бюросининг раҳбарлик ролини кучайтириш йўлларига батафсил тўхталди.

Транспортчилар ўнинчи беш йилликнинг дастлабки йили план-топшириқларини муддатидан илгари адо этиш, йил охиригача планга қўшимча 44 минг тонна халқ хўжалиги юкларини ташиш мажбуриятини олишган. Ҳисобот-сайлов йиғилишида ана шу мажбуриятни бажариш учун барча резерварни ишга солиш, иш соатининг ҳар бир дақиқасидан самарали фойдаланиш ҳусусида сўз борди. Коммунистлар техникадан тўла қувват билан фойдаланиш, рейсда бўш юришга барҳам бериш мақсадида транспорт хизматини оқилона йўлга қўйиш масалаларини тилга олдилар. Ҳисобот-сайлов йиғилиши коллектив олдида турган вазифаларни амалга оширишда коммунистларнинг авангардлигини ошириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш тадбирларини белгилаб, кенгайтирилган қарор қабул қилди ва партия бюросининг янги составини сайлади.

А. УМАРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ҒАНИМАТ КУНЛАРНИНГ ҲАР ДАҚИҚАСИДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИБ, ТЕРИМ СУРЪАТИНИ ОШИРАЙЛИК!

ОҚ ТОҒЛАР

Жонажон Ўзбекистонимизнинг 5 миллион 300 минг тоннали «оқ олтин» тоғи қад кўтармоқда. Унда фидокор деҳқонларимизнинг қалб қарорати, кўз нури, улкан тажрибаси, техника қудрати мужассам. Республикамиз пахтакорлари ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам терим суръатини бўшаштирмай пахта фронтида мисли-сиз жасорат кўрсатмоқдалар. Кўпгина районлар, пешқадам хўжаликлар социалистик мажбурият ҳисобига давлатга пахта топширмоқдалар. Гектаридан олинадиган ҳосилни 45-50 центнерга етказган бригадалар, бўлимлар оз эмас.

Пахтамиз 5 миллион тоннага яқинлашиб қолди. Ҳадемай кўзланган маррага эришилади. Азамат пахтакорларимиз юксан хирмонни тиклаш учун бир жону бир тан бўлиб меҳнат қилишяпти.

Ўзбекистон бўйича 5 миллион 300 минг тонналик улкан «оқ олтин» хирмонига ол байроқ тикилмагунча курашни қизғин давом эттирамиз, демоқдалар пахтакорлар. Аҳдга вафо — мардننг иши. Лафзи ҳалол пахтакорларимиз албатта ўз сўзлари устидан чиқадилар.

Суратда: Бухоро шаҳри яқинидаги пахта тозалаш заводида тикланган «оқ олтин» тоғлари акс этган.

Б. Мўминов фотоси,
ТАСС фотохроникаси.

МАРРАГА ЕТГАН РАЙОНЛАР

ШУРЧИ. Ўнинчи беш йиллиннинг дастлабки йили топ. ширириларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани ҳар тарафлама қизитиб юборган Сурхондарё областининг Шўрчи районни меҳнаткашлари давлатга пахта топшириш халқ хўжалик планини 23 октябрда 100,3 процент адо этдилар. Тайёрлов пунктларига 86729 тонна «оқ олтин» етказиб берилди. Шунча ҳосилнинг 5612 тоннасини ипак пахта ташкил этади. Район хўжаликларида ҳар гектар майдондан 35,3 центнердан пахта йиғиштириб олинди. Машинада пахта териш плани 111 процент бажарилди.

Чкалов номли, «Ленинобод», Киров номли, «Партия XXV съезди», Карл Маркс номли колхозлар, «Ўзбекистон», «ВЛКСМ 30 йиллиги» совхозлари планнинг барвақт бажарилишига айниқса салмоқли ҳисса қўшдилар.

«Ўзбекистон» совхозидан Мансуров, «Ленинизм» колхозидан Рўзиев ўртоқларнинг ҳар бири машина бункеридан 310 тоннадан пахта тўкди. Бундай илғор механизаторлар районда кўплаб топилади.

Район пахтакорлари давлатга 100 минг тонна «оқ олтин» армуғон этиш учун барча тадбирларни изчил амалга ошир. моқдалар.

ЛЕНИН ЙЎЛИ РАЙОНИ. Сурхондарё областидаги Ленин йўли районн пахтакорлари КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XIX съезди қарорларини оғишмай амалга ошириш учун курашиб, катта меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. Давлатга 43500 тонна қўриқ ер пахтаси етказиб берилди. Шунча ҳосилнинг 13674 тоннаси ингичка толали пахтадир.

Районда машина терими плани 114 процентдан ошиб кетди. Ялпи ҳосилнинг 70 процентдан кўпроғи «зангори кема»ларда саранжомланди.

Ленин номли ва Будённий номли совхозлар йиллик планни ортиғи билан адо этиб, районнинг муваффақиятига муносиб улуш қўшдилар.

Район деҳқонлари бу йил давлатга 50 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериб, ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажариш учун ҳормай-толмай меҳнат қилмоқдалар.

НИШОН. КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XIX съезди тарихий қарорларини ҳаётга тўла-тўкис татбиқ этиш учун асойдил курашаётган Қашқадарё области. нинг Нишон райони пахтакорлари байрамолди социалистик мусобақасини янада кучайтириб, давлатга пахта топшириш йиллик халқ хўжалик планини муддатидан илгари 22 октябрда шараф билан адо этдилар. Тайёрлов пунктларига қарийб 43 минг тонна «оқ олтин» етказиб берилди. Бу, ўтган йили тайёрланган пахтадан 7220 тонна кўп демакдир.

Районда пахтани машинада териш плани 107,5 процент бажарилди. Халқ хўжалик планининг шараф билан адо этилишига Карл Маркс номли, Чўли Бегимқулов номли, Усмон Юсупов номли, «Пахтакор» совхозлари айниқса баракали ҳисса қўшдилар.

Район меҳнат аҳли Улуғ Октябрнинг 59 йиллик байрами кунигача жами 50 минг тонна пахта топшириш учун қурашни авж олдириб юборди.

ДАРҒАЛАР

Умарқул Қодиров тажрибали механизатор. У кўп йиллардан бери шу касбда ишлайди. Чигит экади, гўза қатор ораларини культивация қилади. Суғоришга эгат олади, ўсимликни озиқлантиради. Кузда ерни шудгорлашда актив қатнашади.

Мана, ўн бир йилдирки, машинада пахта теряпти. Биринчи класс механизатор Умарқул Қодиров бу йилги мавсумда Худойқул Қодиров бошлиқ бригадада пахта термоқда. Бригада 120 гектар майдонининг ҳар гектаридан пландаги 38 центнер ўрнига 45 центнердан пахта топширди. 50 центнерчилар ҳаракатига қўшилиб, уни бажариш арафасида турибди.

— Бу йилги мавсумда,— деди Умарқул Қодиров. — тўрт қаторли машинада 200 тонна пахта териш мажбуриятини олган эдим. Ваъдамнинг устидан чиқдим. Мавсум охиригача яна 100 тонна пахта теріб бериш учун курашяпман.

Нарпай районидаги «Ўзбекистон» колхозида Умарқулга ўхшаш даргалар оз эмас. Улар кўпчилик. Нурим Эшқулов, Эломон Холназаров, Халил Очилов шулар жумласидан. Нурим Эшқулов ҳозиргача бункердан 215 тоннадан кўпроқ пахта тўкди. Носир Одилов бошлиқ бригада ғалабасига улкан ҳисса қўшди. Бригада маррани илғорлар қаторида эгаллаб, 140 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан хирмон кўтарди. Яна 10 центнер учун курашмоқда.

Колхозда машина терими яхши ташкил этилган. 30 та агрегат тўрт группага бўлиниб пахта теряпти. Ҳар группага 21-22 тадан тележка биркитилган. Дала—бункер —тележка усули қўлланиляпти. Бункерлардан тўкилган пахта пешма-пеш қабул пунктига жўнатилмоқда.

Терим суръатини ошириш, сифатини яхшилашдаги ибратли ишлардан яна бири шуки, машинада терилган пахта асосан биринчи сортга топширилянти. 11 октябргача машина билан терилган 2 минг тонна пахтанинг ҳаммаси биринчи сортларга сотилди. Шунинг ўзидан колхоз 76 минг сўм қўшимча даромад қилади. Дала даргалари — механик-ҳайдовчилар шу кунларда имкони борича унумли ишлашга, бункерлардан кўпроқ пахта тўкишга интилмоқдалар. Колхозда шу кунларда ҳам ҳар бир машина билан ўрта ҳисобда 5-6 тоннадан пахта теріляпти.

Л. ЭРГАШЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

МАЖБУРИЯТ—60 ЦЕНТНЕР

Қамаши районидаги «Коммунизм йўли» колхозида юқори ҳосилли бригадалар кўп. Икки Ленин ордени навалери, уста пахтакор Бойназар Ашуров етакчилик қилаётган бригада ана шундай коллективлардан бири. Ўтган йили бригада пахтакорлари 51 центнердан жаворир ўндириб, хўжаликда энг юқори кўрсаткичга эришган эдилар.

Ўнинчи беш йиллиннинг дастлабки йилида улар ҳосилдорликни 52 центнерга етказишни кўзлаб меҳнат қилишди. Ишни машҳур пахтакор Расул Ҳайдаров ташаббуси ва илғор тажрибаси асосида ташкил этган бригада пахтадан мўл ҳосил етиштирди. Бригадада пахта йиғим-терими эўр уюшқоқлик билан олиб борилаётир.

Бундан бир ҳафта илгари бригада аъзолари она-Ватанга 280 тонна «оқ олтин» армуғон этиб, 60 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 46 центнердан ошириб жаворир йиғиштириб олди. 190 тонна пахта машина бункерларидан тўкилди. Юксак ҳирмонда хўжаликнинг Гулбаҳор Нуруллаева, Норқобил Элмуродов, Қобил Маманов, Жўра Арзиев сингари моҳир механик-ҳайдовчилар ҳамда 10-12 тоннадан «оқ олтин» терган Нозик Жаҳонова, Олтиной Мустафоева, Ҳурмат Ашурова, Марзия Мирзаева каби чевар теримчиларнинг ҳиссаси катта бўлди.

Социалистик мажбуриятини қайта кўриб чиққан бригада пахтакорлари оширилган мажбурият қабул қилиб, ҳосилдорликни 60 центнерга етказишга қатъий аҳд қилишди.

Етиштирилган ҳосилнинг бир граммини ҳам нобуд қилмай йиғиб-териб олиш учун нураш тобора қизитилмоқда.

А. БОБОЕРОВ,
Қашқадарё области.

БИР ЙИЛДА ИККИ ҲОСИЛ

ТЎРАҚЎРҒОНДАГИ (Наманган области). «Намуна» совхозининг В. Абдуллаев бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси силос бостириш учун маккажўхорини йиғиб олишга киришди. Ёшлар 43 гектар майдоннинг ҳар гектаридан камида 1 минг тонна кўк поя йиғиб олмоқчи. Бу ерлардан шу йилнинг ўзида 110 центнердан маккажўхори дони ва силос бостириш учун 400 центнердан маккажўхори пояси ўриб олинган эди.

Тўрақўрғон районидаги «Ўзбекистон», Ленин номли ва бошқа хўжаликларда ҳам иккинчи ўрим бошланди. Икки марта ҳосил берадиган ерлар ўтган йилдагига қараганда 300 гектар кенгайтирилди.

(ЎзТАГ).

СУРЪАТНИ СУСАЙТИРМАЙ

ЗАДАРЁ. «Гулбоғ» совхозидан И. Оқбоевнинг пахта териш машинасида иккинчи юлдуза пайдо бўлди. У мавсум бошидан буён машина бункеридан 200 тонна пахта бўшатиб, мусобақада пешқадам бўлди. Хўжаликдаги юздан ортиқ механик-ҳайдовчи ана шу мусобақада қатнашмоқда.

Иномиддиннинг укалари Мирзақалил билан Акром ҳам унга тенглашишга ҳаракат қилмоқдалар. Уларнинг ҳар бири машина бункеридан 150 тоннадан пахта тўкишди.

Ака-ука Оқбоевларнинг оилавий звеноси бутун пахта ҳосили сўнгги граммигача теріб олингунча «зангори кема»ларни бошқаришга қатъий аҳд қилди.

Ёмғирдан кейин ер сал қуриши биланоқ ака-ука Оқбоевлар ўз машиналарини биринчи бўлиб далага чиқардилар. Уларнинг ҳар бири қунига, машина бункерларидан 5-8 тоннадан пахта тўкмоқдалар.

ҒАЛАБА РАПОРТИ

БУХОРО. КПСС XXV съезди ҳамда Ўзбекистон Компартияси XIX съезди қарорларини изчиллик билан амалга ошириб бораётган Ғиждувон районидаги Садриддин Айний номли колхоз «оқ олтин» ижодкорлари 1385 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 37 центнердан пахта етказиб бериб, 25 октябрда халқ хўжалик планини 101 процент қилиб бажаришди. Колхоз меҳнаткашлари она-Ватан хирмонига 5 минг тонна «оқ олтин» тўкдилар. Етиштирилган ҳосилнинг 2300 тоннаси уруғлик пахта. Топширилган пахтанинг ҳаммаси биринчи сортга қабул қилинди. Ялпи ҳосилнинг 2 минг тоннаси машиналар ёрдамида териб олинди. Элмурод Шодиев, Карим Ражабов, Шукур Низомов каби «зангори кема» капитанлари 140-150 тоннадан пахта тердилар. Халқ хўжалик планининг шараф билан бажарилишида Хазрат Облоқулов, Аҳмад Сафаров, Нарзи Собиров ўртоқлар бошлиқ илғор бригадалар катта ҳисса қўшишди. Бу бригадаларда ҳосилдорлик ҳозиргача 37-40 центнерга етказилди.

Колхозда кўпминг килограммчилар ҳаракати кенг қулоч ёзди. Роҳат Қаҳҳорова, Улаш Саъдуллаева, Комила Сафарова каби юзлаб чевар теримчилар 8-10 тоннадан ошириб дурдона тердилар.

Бу хўжалиқ давлатга дон, пилла, гўшт, сут, тухум, мева, сабзавот, полиз маҳсулотлари ҳамда узум сотиш халқ хўжалик планларини ҳам ошириб бажарди.

Ҳали хўжалик далаларида ҳосил кўп. Колхоз пахтакорлари ҳосилдорликни гектар бошига 42 центнерга етказиб, Ватан хирмонига жами 5900 тонна пахта топшириш учун ғайрат билан меҳнат қилаётирлар. Шундай қилиб, планга қўшимча давлатга яна 1000 тонна пахта етказиб берилади.

КУЗГИ ҒАЛЛАНИ ТЕЗРОҚ ЭКАЙЛИК

Қишлоқ хўжалик ишлари кундалиги

Ғаллакорларимиз бу йил ғалладан мисли кўрилмаган даражада катта хирмон кўтардилар. Натижада давлатга дон сотиш юзасидан қабул қилинган юксак социалистик мажбурият шараф билан адо этилди, айни кезда хўжаликлар ўзини етарли миқдорда сараланган уруғлик дон билан таъминлади. Ҳозир ғаллакор хўжаликларимиз кузги дон экишни ташкилий жиҳатдан уюшқоқлик билан қисқа фурсатларда ўтказиш учун ҳамма имкониятларга эгадирлар.

Республикамизда 810 минг гектар майдонда кузги ғалла етиштирилади. Бу ўтган йилдагига нисбатан 130 минг гектар кўп демакдир. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Қозоғистон партия-хўжалик активи кенгашида сўзлаган илҳомбахш нутқидан илҳомланган ғаллакорларимиз республикамизда ғалла етиштиришни кўпайтириш учун катта тадбирлар белгилаб амалга оширмоқдалар. Жумладан, ғалмикор ва суғориладиган ғаллазорлар, айниқса маккажўхоризорлар кенгайтирилянти, кўплаб навли, районлаштирилган, серҳосил уруғлиқ жамғарилди, минерал ва органик ўғитлар солиш йўли билан тупроқ унумдорлиги оширилянти, гербицидлардан вақтида, оқилона фойдаланилянти, ўрим-йиғим ишлари тобора кўпроқ машиналаштирилянти.

Шу кунларда республикамизнинг барча ғаллакор хўжаликларида кузги ғалла экиш тезкорлик билан олиб борилянти. Тажриба шуни кўрсатдики, кузги ғалла баҳорикор ғаллага нисбатан катта афзалликларга эга. Жумладан, кузда уруғ қадалган ҳар гектар майдондан баҳорда уруғ сепилган ерга нисбатан ҳосилдорлик 20-25 процент юқори бўлади, кузги-қишки ёғингарчиликлар туфайли ёрда нам кўп тўпланади, совуқда ғалланинг кушандалари ва зараркунандалар қиришиб кетади, эрта баҳордан ниҳоллар барвақт авжга кириб ўсиб, ривожланади. Натижада ҳосилдорлик юқори бўлади, ўрим-йиғим қулай фурсатларда ўтказилади. Шу боисдан ҳам илғор хўжаликлар ҳамма майдонларга ғаллани асосан кузда экиб, келаси йил мўл ҳосилига мустаҳкам замин яратадилар.

Ўртоқ Л. И. Брежнев кенгашдаги ёрқин нутқида келгуси йилнинг мўл ҳосили учун мустаҳкам замин яратиш жуда муҳим вазифа эканини алоҳида таъкидлади. Кўпчилик областларимизнинг ғаллакорлари бунга амалий иш билан жавоб бермоқдалар. Сирдарё областида бу йил 29 минг 400 гектар майдонда кузги ғалла етиштирилади. Ғаллакорлар барча резервлар ва техника воситаларини ишга солиб ҳозиргача 26 минг гектар майдонга кузги буғдой ва арпа экиб бўддилар, бу соҳадаги топширикни 88,4 процент бажардилар. Уруғ яхши шудгорланган, юксак деҳқончилик маданияти талабларига жавоб берадиган майдонларга экилмоқда, техника қуввати, уруғлиқдан оқилона фойдаланилмоқда, гектарларнинг тўла бўлишига алоҳида эътибор берилмоқда. Область партия-совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари кузги ғалланн тезроқ экиб бўлиш учун ҳамма чора-тадбирларни кўрмоқда.

Қашқадарё областининг ғаллакорлари дон етиштиришни кўпайтириш юзасидан ажойиб ватанпарварлик ташаббуси билан майдонга чиқдилар. Улар келаси йили 255 минг гектар майдонда буғдой ва арпа ўстирадилар. Суғориладиган ва ғалмикор ерлар ҳосилдорлигини кўтаришга алоҳида эътибор бермоқдалар. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети қашқадарёлик ғаллакорларнинг ватанпарварлик ташаббусини маъқуллаб қарор қабул қилди. Республикамизнинг барча ғаллакор хўжаликларида қашқадарёликларнинг изланишлари, иш услублари тобора кенг қулоч ёймоқда. Область меҳнаткашлари 185 минг гектар ерга кузги буғдой ва арпа экиб бўлдилар, белгиланган топширикни миқдор ва сифат кўрсаткичлари бўйича тезроқ тугаллаш учун астойдил курашмоқдалар.

Жиззах областида ҳам кузги дон сепиш кучайтирилмоқда. Ғаллакорлар топширикни 65 процентдан ошириб адо этдилар ёки 199 минг гектар майдондан 130 минг гектарига барака уруғи қададилар. Бу областларнинг меҳнаткашлари, айниқса механизаторлари яна бир ғайрат қилсалар кузги ғалла экишни энг яхши агротехника муддатларида муваффақиятли тугаллайдилар, келаси йили катта ғалла хирмони кўтаришга пухта заминн яратадилар.

Бироқ республикамизнинг қатор областларида кузги ғалла экишда сусткашликка йўл қўйилянти, фурсат ўтиб кетаётганига қарамай суръат кўтарилмаянти. Самарқанд области бўйича 173 минг гектар ерга кузги дон сепилиши керак. Барча имкониятлар бўла туриб, энди 101 ярим минг гектар майдонга уруғ қадалди холос, ёки топшириқ 58,6 процент бажарилди.

Пахта тайёрлашда республикамизда карвонбошилик қилаётган Тошкент областида кузги ғалла экиш кечиктириб юборилянти, бу борада белгиланган топшириқ 55 процент бажарилди, ёки 63,4 минг гектар ғалла майдонидан энди 34,7 минг гектарига ғалла экилди.

Сурхондарё областида ҳам кузги ғалла экиш борасида нуқсонларга йўл қўйилянти. Ҳамма имкониятлар бўла туриб область бўйича энди 28,3 минг гектар майдонга кузги буғдой ва арпа экилди. Ваҳолонки область ғаллакорлари 54 минг гектар майдонга кузги дон сепишлари керак.

Республикамизнинг бошқа айрим областларида ҳам кузги ғалла экиш кечиктириб юборилянти. Бунга ҳеч қандай асос йўқ. Техника воситалари, ишчи кучи, уруғлиқ — ҳамма нарса етарли. Фақат айрим хўжаликларнинг раҳбарларида ташкилотчилик ишларини яхши йўлга қўйиш етишмаянти, холос. Кузги ғалла экиш муваққат иш, вақтида отини қамчилаган деҳқонлар ютади, кечикканлар ютқазади, шуни ёдда тутиб, суръатга қанот бахш этиш керак.

Тўғри республикамизда ишидан ўрнак олса, тажрибасини ўрганса арзийдиган ғаллакор районлар, хўжаликлар кўп, уларнинг сафи тобора кенгайянти. 24 минг 300 гектар майдонга кузги дон экишга аҳд қилган Ховос районининг ғаллакорлари ҳозирдаёқ асосий майдонларга арпа ва буғдой уруғи сепдилар.

Чироқчи райони 75,5 минг гектар ғаллазорга эга, шундан катта майдонларга кузги буғдой ва арпа сепиб бўлинди. Ғаллакорлар барча резервларни кузги экин-тикин ишларини қисқа вақтда сифатли ўтказишга қаратмоқдалар. Сеялкалар тинимсиз ишлатилмоқда, меҳнат унумдорлиги кўтарилмоқда.

Ғузор районида 33 минг гектар майдондан асосий қисмига кузги ғалла экиб бўлинди. Жиззах районининг ғаллакорлари ҳам суръатни кучайтирмоқдаалр.

Қамаши республикамизнинг йирик ғаллакор районларидан бири, ғаллакорлар келаси йили катта хирмон кўтариш учун шу кунларда 39,2 минг гектар ерга буғдой ва арпа экишлари, уруғни тупроқнинг табиий намига ундириб олишлари керак.

Бахмал районида кузги ғалла экиш жадал давом эттириляпти. Лекин Деҳқонобод, Косон, Бойсун, Булунғур, Зомин, Фориш, Нурота, Сариосиё, Советобод, Каттақўрғон районларида иш имкониятлар даражасида ташкил этилмаянти.

Кузги арпа ва буғдойни тез экиб, келаси йил катта хирмонига мустаҳкам замин яратайлик!

ЁШЛИК ВА СПОРТ БАЙРАМИ

БУГУН ТОШКЕНТДА ГТО КЎПКУРАШИ БЎЙИЧА СССР ЧЕМПИОНАТИ — «КОМСОМОЛЬСКАЯ ПРАВДА» ГАЗЕТАСИ СОВРИНИ МУСОБАҚАСИНИНГ ФИНАЛ ҚИСМИ БОШЛАНАДИ

НИШОНДОРЛАРНИ ОЛИМПИАДА ЧОРЛАЙДИ

Бугун Ленин партиясининг издоши, яқин ёрдамчиси шонли комсомолнинг туғилган куни. Бугун мамлакатимизда комсомол, ёшлик ва спорт байрами. Комсомол 58 баҳорни кўрган кун катта спорт байрами билан нишонланадиган бўлди. «Оқ олтин» ўлкасининг пойтахтидаги йирик спорт масканларидан бири — «Пахтакор» стадиони мамлакатимизнинг турли шаҳарларидан ташриф буюрган спортчиларни чорламоқда. Роппа-роса соат 16 да ГТО кўпкураши бўйича «Комсомольская правда» соврини учун ўтказиладиган финал мусобақаларининг алвон байроғи «Пахтакор» стадиони узра ҳилпирайди.

Қўш байрамга комсомол ёшларимиз катта тайёргарлик билан келдилар. «Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига — 60 зарбдор хафта!» шиори остида меҳнат қилаётган йигит-қизларимизнинг кўпчилиги шонли комсомол туғилган кун арафасида ўнинчи беш йилликнинг дебоча йили бўйича зиммаларига олган шахсий план-топшириқларини бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар. Меҳнат семестри ва ёзги таътилни муваффақиятли ўтказган студент ҳамда ўқувчи ёшларимиз эса аъло ўқиш, билим чўққиларини эгаллаш билан биргаликда жамоат ишларида фаол қатнашган ҳолда ибрат кўрсатдилар.

Бугунги спорт байрами коммунистик ёшлар ҳаётида унутилмас муҳим воқеалардан бири бўлиб қолади. Зеро, комсомол туғилган кунга бағишлаб ўтказилаётган ГТО кўпкураши мусобақаларига ҳар қачонгидан пухтароқ ҳозирлик кўрилганки, нишондорлик баҳслари ниҳоятда қизиқарли ва кескин ўтиши кутилмоқда. Мамлакатимизда ГТО нишондорлиги учун кураш физкультура ва спортнинг янада оммалашувининг муҳим омилларидан экан, бунинг замини партия ва ҳукуматимиз физкультура ҳаракатини ривожлантириш, спортчиларнинг маҳоратини оширишга докмо катта эътибор бериб келаётганлигидадир. КПСС XXV съездида ҳам совет спортининг ривожига алоҳида аҳамият берилди. «Корхона ва муассасаларда, ўқув юртларида ва аҳоли истиқомат қиладиган жойларда оммавий физкультура ва спорт ривожлантирилсин», — дейилади 1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишларида.

Мамлакатимизда физкультура ва спорт йилдан йилга ривожланиб, оммавийлик касб этмоқда. Унинг моддий-техника базаси мустаҳкамланмоқда. Пил сайин янгидан-янги стадион, спорт зали, сузиш ҳавзалари, югуриш майдонлари фойдаланишга топширилаётир. Иттифоқимиз ва халқаро спорт майдонларида довруг қозонаётган йигит-қизларимиз ҳукуматимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлмоқдалар. Физкультурачи ва спортчи ўғил-қизларимиз ўзларига кўрсатилаётган катта эътибор ва ғамхўрликка муносиб бўлишга астойдил интилмоқдалар. Унутилмас таассуротларга бой бўлган жаҳон спортчиларининг йирик анжумани — Монреаль олимпиадасида совет ёшлари қўлга киритган муваффақиятлар ҳам фикримизнинг далилидир.

Физкультура ва спортда қўлга киритилаётган ютуқларда ГТО комплексининг ҳаётга жорий этилиши муҳим роль ўйнамоқда. ГТО мусобақалари физкультура ҳаратининг аҳоли, айниқса ёшлар ўртасида кенг авж олиши, кишиларни меҳнатсевар ва иродали қилиб тарбиялаш билан биргаликда, уларга катта спорт сари йўл очиб бераётир. Чунончи, мамлакатимиз спорт шарафини муносиб ҳимоя этаётган республикамиз спорт юлдузлари, жаҳон чемпионлари Руфат Рисқиев, Собир Рўзиев, Сайфуддин Ходиев, Собир Қурбонов, Европа чемпиони Мельс Ан, Монреал олимпиадасининг бронза медали совриндори Владимир Федоров сингари спортчилар учун ҳам ГТО чиниқиш мактаби ролини ўйнаган.

Бугунги кунда ГТО ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш, меҳнат унумдорлигини ошириш гарови эканлиги сир эмас. ГТО кўпкураши бўйича «Комсомольская правда» газетаси соврини учун СССР чемпионатини ўтказиш анъанага айланиб, физкультура ҳаракатида муҳим воқеалардан бўлиб қолди. Ўтган қисқа давр мобайнида миллионлаб йигит-қизлар меҳнат ва Ватан мудофаасига тайёргарлик кўригидан муваффақиятли ўтдилар. Минглаб ёшлар ГТО орқали спорт оламига чорландилар. 1974 йили Сочида, ўтган йили эса Бокуда ўтказилган мамлакат биринчилиги мусобақаларида юзлаб йигит-қизлар ГТО комплекси кўпкураши бўйича СССР спорт мастери унвонига сазовор бўлдилар, кўксиларига ГТО нишонларини тақдилар.

Бугун эса, Ўзбекистон пойтахти мамлакатимизнинг энг кучли кўпкурашчиларини чорлашга муяссар бўлиб турибди. «Комсомольская правда» газетасининг соврини учун ГТО кўпкураши бўйича учинчи марта ўтказилаётган мамлакат чемпионатининг ҳал қилувчи баҳсларини Тошкентда ўтказишга қарор қилиниши биз учун катта шараф. Ўзбекистон спорти ва комсомолига билдирилган бу ишончни масъулиятни ҳис қилган ҳолда оқлашга ҳаракат қиламиз.

Комсомол ташкилотлари жойларда ГТО пропагандаси ва мусобақаларни пухта ўтказиш бўйича бирмунча ишларни амалга оширдилар. Партия органларининг раҳбарлиги остида, совет, касаба союз, физкультура ва ДОСААФ ташкилотларининг яқиндан кўрсатган ёрдамлари туфайли бу йил кўпкураш мусобақалари ҳар қачонгидан мароқли ва мазмунли бўлди. Саноат корхоналари, колхоз-совхозлар, мактаб, олий ўқув юртларида ГТО мусобақалари ҳақиқий спорт байрами тарзида ўтди. Район, шаҳар, область биринчиликларида ёшларни янада кўпроқ танлаб олишга эришилди. Андижон, Тошкент, Самарқанд областлари, Наманган, Чирчиқ, Навоий шаҳарларининг комсомол ташкилотлари йигит-қизларни ГТО нормативларини топширишга жалб этишда намунали фаолият кўрсатдилар.

Биз мамлакатимиз ГТО гвардиячиларини кутиб олишга ҳам катта тайёргарлик кўрдик. Бутуниттифоқ мусобақасини ўтказиш бўйича тузилган оператив штаб спорт базаларини мусобақага тайёрлашда катта ишларни амалга оширди. Тайёргарликни ўз вақтида поёнига етказишимизда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукуматининг кўрсатган ғамхўрлиги, амалий ёрдамидан миннатдормиз. Тошкент шаҳар комсомол ташкилотлари спорт делегацияларини ўз оталиқларига олдилар. Тошкент трактор заводи, тўқимачилик комбинати, «Ташсельмаш», «Миконд» заводлари, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номидаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси каби корхоналар комсомол ташкилотлари меҳмонларга шаҳримизнинг диққатга сазовор жойларини кўрсатадилар, бўш вақтларини қўнгилли ўтказишлари юзасидан бир қанча тадбирларни амалга оширадилар.

Шундай қилиб бугун совет жисмоний тарбиясининг асоси бўлган ГТО комплекси кўпкураши бўйича катта спорт мусобақаси старт олади. Мусобақалар иттифоқчи республикаларда физкультура ҳаракати қай йўсинда ривожланаётганлигининг ўзига ҳос синови бўлади. Ўтган чемпионатда олтинчи ўринни қўлга киритган республикамиз вакилларининг мақсадлари катта. Улар ўз майдонларида бу сафар совринли ўринлардан бирини эгаллашга аҳд қилишган.

Совриндорлик баҳси — ГТО кўпкураши бўйича мамлакат чемпионати мусобақалари бу билан тугамайди. Чунки, чемпионатнинг шиори «ГТО нишондан — олимпиада медалига!» экан, ҳеч шубҳа йўқки, бугунги нишондор, ГТО чемпиони бўлиш учун курашаётган ёшлар орасидан Москвада бўлажак XXII олимпия ўйинлари иштирокчилари етишиб чиқади.

Э. ГАФУРЖОНОВ,
Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари.

Суратда: Озарбайжон терма командаси аъзоларидан бир группаси.

Е. Ботиров фотоси.

БИЗНИНГ СУҲБАТ

ҚИЗҒИН БАҲСДА

Қ. ЖУМАБОЕВ,
«Пахтакор» қишлоқ кўнгилли спорт жамияти Шовот район советининг раиси, ГТО кўпкураши бўйича икки марта Ўзбекистон чемпиони

Йиллар ўтган сари ўз-ўзидан ёшларга ҳавас қилиб қолар экансан киши. Икки йилдан бери ГТО комплексининг «Бардамлик ва саломатлик» деб аталган V босқичида куч синашишга тўғри келяпти. Аммо, барибир тўртинчи босқичдагиларга ҳавасим келади. Чунки, ГТО кўпкураши бўйича спорт мастери деган фахрий унвонни худди шу босқичда олиш мумкин.

18 команда баҳс юритадиган мамлакат чемпионатида мен ва О. Левоненко каби «кексалар» қатори Глеб Григорьев ва Оля Асмачко сингари жуда лаёқатли ўқувчилар, республика чемпионатида ўзини кўрсатган Сергей Серебряков, Татьяна Беспалова, Тамара Усмонова, Галина Москаленко ва бошқалар бор. Мамлакатимизнинг ман-ман деган кўпкурашчилари иштирокидаги бу мусобақада республикамиз шаънини ҳимоя қилишдек шарафли ва айни чоғда масъулиятли вазифа бизнинг зиммага тушган экан ҳар биримиз шунга яраша мусобақалашишимиз керак.

ФАКТ ВА ШАРҲ

МАРҲАБО, ДЎСТЛАР

Тинчлик ва дўстлик шаҳри Тошкент бугунги кунда спортчи ёшларни чорлаб турибди. Спорт мавсумининг йирик воқеаларидан ҳисобланган ГТО кўпкураши бўйича мамлакат чемпионати иштирокчилари «оқ олтин» ўлкаси пойтахтида меҳмон. Тошкент ўзига хос айём, байрам либосида.

— Ҳа, пахтакор ўлка пойтахтида тантаналарга тантаналар, байрамларга-байрамлар улаяпти, — дейди Тошкент шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосари М. Юсупов. — Яқингинада тошкентликлар ирригатор ва мелиораторларнинг халқаро конгресси, Осиё ва Африка ёш ёзувчиларининг учрашуви ҳамда РСФСР адабиёти ва санъати кунлари каби йирик ва унутилмас воқеаларнинг шоҳиди бўлишган эди. Шу кунларда эса пойтахтимиз яна байрамдагидек безанди. Шонли Ленин комсомоли туғилган кун ГТО кўпкураши бўйича катта мусобақа билан нишонланиши ва бу тантана Тошкентда ўтаётганлигидан беҳад мамнунмиз.

Қўш байрам — ёшлик ва спорт айёмига пухта ҳозирлик кўрилди. Шаҳримиз кўчалари, ҳиёбонлари, майдонлари алвон байроқлар, плакатлар ва расмлар билан безатилди. Зеро, меҳмон иззат-икромини ўрнига қўйиш яхши кайфият инъом этишнинг муҳим омили экан, бу борада мезбонликни ўрнига қўйишга ҳаракат қилмоқдамиз.

Мусобақалар қайта созланган марказий «Пахтакор» стадиони, Тошкент армия спорт клуби бассейни, «Динамо» спорт клубининг мерганлик тирида ўтказилади. Мусобақа иштирокчилари қаерда бўлишмасин, қаерда совриндорлик учун курашишмасин ҳамма жойда байрамона тароват ва шинамликни ҳис этадилар. Шаҳримизга гўзаллик ва файз бахш этишда Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Туйғун Шоҳраҳимов бошчилигидаги бир гуруҳ ёш мўйқалам усталари меҳнат қилдилар. Тошкент «Рассом» бадиий фирмаси коллективи ҳам шаҳримизга байрам тусини беришда фаоллик кўрсатди.

Шаҳримизга ҳуш келибсиз, азиз спортчи дўстлар!

ДАВР—ҚАҲРАМОН ТАҚДИРИДА

ТАҚРИЗ

П. Шермуҳамедов сўнгги йиллар адабий жараёни билан актив ҳамнафас яшаб, унинг ривожланиш тенденцияларини ўз вақтида илғаб, илмий-танқидий таҳлил этиб бераётган адабий танқидчиларимиздан бири. Унинг янги «Давр — қаҳрамон тақдирида»[1] номли адабий-танқидий мақолалар тўплами ҳам шу жиҳатдан диққатни тортади.

Китобда П. Шермуҳамедовни танқидчи сифатида қизиқтириб келаётган икки соҳа — ҳозирги кун ўзбек прозаси ва болалар адабиёти ҳақида баҳс юритилади.

Кўриниб турибдики, китобда таҳлил объекти қилиб олинган адабий материаллар ранг-баранг. Лекин бу материаллар қанчалик ранг-баранг бўлса-да, китобни яхлит бир организмга айлантирган, унинг бошидан охиригача қизил ип бўлиб ўтадиган танқидчининг умумий нуқтаи назари, фикри бор. Бу нуқтаи назар китобнинг номида акс этган: давр — қаҳрамон тақдирида. Ҳа, танқидчи турли ижодий индивидуал қиёфали ёзувчилар ижоди, уларнинг ҳаётга муносабати, ғоявий-бадиий изланишлари, маҳоратини баҳолашда асарларда яратилаётган қаҳрамонларни мезон қилиб олади.

Китобдаги «Ижодкор ва замон» бўлимининг салмоғини белгилаб турган иш — «Давр — қаҳрамон тақдирида» туркум мақолаларидир.

Муаллиф айтганидек, «адабиётимизнинг энг яхши асаслари икир-чикир ташвишлар билан ўралашиб қолмасдан, ҳамиша халқимиз ҳаётида юз бераётган муҳим ўзгаришларни зўр ҳаққоний билан кўрсатиб келмоқда». Бундай асарларда ёзувчининг гражданлигини ўзида ёрқин намоён этган, замон ва замондошларимизнинг энг илғор хусусиятларини тақдирида ва характеоида мужассамлантирган қаҳрамонлар образи ёрқин кўринмоқда. Танқидчи сўнгги йилларда яратилган Ш. Рашидовнинг «Ғолиблар», Р. Файзийнинг «Чўлга баҳор келди», А. Мухторнинг «Чинор», Ҳ. Ғуломнинг «Бинафша атри», С. Аҳмаднинг «Уфқ», Мирмуҳсиннинг «Умид», П. Қодировнинг «Мерос» каби асарларидаги қаҳрамонлар активлиги ва масштаблилиги билан диққатга лойиқлигини айтади. Китобда таъкидланганидек, бу асарларга хос яна бир муҳим ҳислат шунда кўринадики, уларда яратувчи, бунёдкор меҳнатнинг поэтик мазмуни таъсирчан очилади.

П. Шермуҳамедов ҳозирги прозада Улуғ Ватан уруши ва тарихий мавзуга қизиқишнинг объектив факторлари ҳақида ҳам қизиқарли мулоҳаза юритади. Ёзувчи С. Аҳмаднинг «Қирқ беш кун», Ҳ. Тўхтабоевнинг «Беш болалик йигитча» романларида Улуғ Ватан уруши мавзуининг янгича талқини, Мирмуҳсиннинг «Меъмор», О. Ёқубовнинг «Улуғбек ҳазинаси» романларида тарихнинг актуал, замонамиз учун муҳим томонлари акс эттирилганлигини ишонарли таҳлил этади.

Бироқ, мунаққид айтганидек, адабиётда ёзувчининг гражданлик позициясини бир ёқлама, яъни мавзуининг актуаллиги, муҳимлиги билангина боғлиқ деб тушуниш ҳоллари ҳам учраб туради. Унинг фикрича, гражданлик — ҳаётни чукур, бор мураккаблиги билан бадиий тадкик этишда намоён бўлади.

Танқидчи адабий жараёндаги яна бир тенденцияга диққатимизни қаратади: ёзувчи истеъдоди, маҳорати етарли бўлиши мумкин. Аммо унинг истеъдоди, маҳорати етарли ғоявий-гражданлик пафоси билан нурланиб турмас экан, бундай ҳолат ҳам ижодда хунук оқибатларга олиб келиши мумкин. Шу нуқтаи назаргa таянган ҳолда танқидчи айрим ёзувчиларимизнинг халқнинг катта тақдиридан, ҳаётнинг магистрал йўналишларидан четдаги майда қаҳрамонларга маҳлиё бўлиб қолаётганлигини, бадиий фактга айланмаган экспериментларни танқид қилади.

П. Шермуҳамедов болалар адабиёти билан махсус шуғулланаётган, ўзбек совет болалар адабиёти ютуқларини Бутуниттифоқ миқёсида актив пропаганда қилаётган олимларимиздан бири. Унинг ўтган йили Москвада нашр этилган «Ўзбекистон болалар адабиёти» китоби кенг адабий жамоатчилик диққатига сазовор бўлган эди. «Давр — қаҳрамон тақдирида» китобига олимнинг шу вақтгача республикамиз ва Иттифоқ матбуот ҳамда нашриётларида босилган ўзбек болалар адабиёти масалаларига оид мақолалари ва китоблари қайта ишланган ва тўлдирилган ҳолда киритилган.

Китобнинг «Болалар адабиёти» қисмида ўзбек болалар адабиётининг тарихи ва ҳозирги кун ўзбек болалар адабиётидаги ғоявий-бадиий изланишлар таҳлил этилади.

П. Шермуҳамедовнинг янги китобида бадиий-фантастик ва саргузашт жанрлардаги изланишларга оид кузатишлар ҳам диққатга сазовор.

Танқидчининг бир фикрига тўла қўшилиш керак: бизда илмий-фантастик асарлар энди яратиляпти. Уларнинг авторлари ҳам — ёшлар. Пировардида, бу соҳада ютуклар бор, аммо жиддий камчиликлар ҳам мавжуд. Мана шундай объектив сабабларга кўра ҳам П. Шермуҳамедовнинг илмий-фантастик жанрдаги изланишларни атрофлича, Бутуниттифоқ ва жаҳон адабиётидаги фантастик асарлар фонида таҳлил этиши ҳар тарафлама эътиборга лойиқдир.

Китобда ёш фантастлар ижодида миллий бўёқлар камлиги, қаҳрамонлар ҳам чет эл фантастик асарлари қаҳрамонларига ўхшаб кетиши тўғри кўрсатилган. Бироқ танқидчи ёшлар ижодидаги бу камчиликнинг сабабини чуқуррок очиши керак эди. Бизнингча, ёш фантастларимизнинг аксар асарлари бевосита ҳаёт таъсирида эмас, балки, китоблар таъсирида туғилаётирки, бу жиддий камчилик ҳисобланади.

Адабий танқидчи П. Шермуҳамедовнинг «Давр — қаҳрамон тақдирида» китоби ўқувчиларни адабий жараённинг қизғин муҳитига олиб киради, уларда жонли мушоҳада, фикр уйготади. Асарнинг қиймати ҳам ана шунда.

Ш. ТУРДИЕВ,
М. САФАРОВ.

[1] П. Шермуҳамедов. «Давр қаҳрамон тақдирида». (Адабий-танқидий мақолалар тўплами). Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент — 1976.

БИЗНИНГ СУҲБАТ

ИБРАТ КЎРСАТИБ

Б. А. ЕВСЕЕВ,
ГТО комплекси кўпкураши бўйича Ўзбекистон терма командасининг катта тренери

Вақт нақадар тез ўтишини қаранг. Наманганда ГТО комплекси кўпкураши бўйича республика чемпионати назаримда, кечагина ўтказилганди. Ҳолбуки, саломатлик комплексининг беш босқичида ғолиб ва совриндорлар аниқланиб, терма командамизга номзодлар саралаб олинганига ҳам мана 25 кун бўлибди. Қизғин машқ ва тренировкалар, интенсив машғулотлар билан уч ҳафта қандай ўтиб кетганини ҳам сезмай қолибмиз.

Республикамизнинг тўққиз областидан терма командага жалб этилган кўпкурашчилар сузиш ҳавзасида В. Рябов ва В. Насонов, мерганлик тирида В. Пархомин, О. Петренко, И. Потапов, енгил атлетика секторларида эса В. Ситников, Ю. Красильников ва В. Кузьмин каби таниқли мутахассис ҳамда уста спортчилар қўлида машқ қилдилар.

Спортчиларимиз совринли ўринлар учун курашда бошқаларга ибрат кўрсатадилар, деб ўйлаймиз. Зеро, улар Бокуда ўтказилган мамлакат чемпионатида олтинчи ўрин олиб, «Ғалабага бўлган иродаси учун» деган махсус соврин билан мукофотланган эдилар. Демак, республикамиз спорт мухлислари кўпкурашчилардан янада юксакроқ натижалар кутишга ҳаклидирлар. Қолаверса, мезбонлик қоидаси ҳам шуни тақозо этади.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Эрталабки гимнастика. 10.30 — Қувноқ стартлар. 11.15 — **Бу қулоқсиз ўғиллар** (бадиий фильм, 2-серия). 12.25 — Миллионлар ленинча университети. 15.00 — Ҳужжатли фильмлар. 16.05 — Мустай Карим ижоди. 16.45 — **Сирли топилма** (бадиий фильм). 18.00 — Расмлар ҳақида ҳикоялар. 18.30 — Москва ва москваликлар. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Қувноқ ноталар. 20.15 — Концерт. 20.45 — Сўз — СССР Олий Советининг депутатларига. 20.55 — **Бу қулоқсиз ўғиллар** (бадиий фильм, 3-серия). 22.00 — **«Вақт».** 22.30 — Концерт. 23.50 — Кўп кунлик велопойга бўйича СССР чемпионати.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

16.00 — «Комсомольская правда» газетасининг совринлари учун ГТО кўпкураши бўйича СССР III чемпионатининг тантанали очилиши. 17.10 — Концерт. 17.50 — **Пахтаой** (бадиий фильм). 18.30 — Туғилган куннинг билан, комсомол. — 19.00 — Идеология ва ҳаёт. 19.30 — Ҳужжатли фильм. 19.45 — **«Ахборот».** 20.00 — Фильм-концерт. 21.00 — **«Ахборот».** 21.20 — Пахта — дўстлик гули. 22.00 — **«Вақт».** (Москва). 22.30 — Пахтазор — мардлар майдони. 22.45 — Концерт.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05 — Инглиз тили. 19.35 — Қизиқарли математика. 20.05 — Янги урф-одатлар турмушга. 20.30 — Тошкент янгиликлари. 20.45 — Ўқитувчилар учун консультация. 21.00 — Чизма геометрия.

Радио

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Шодлик ва меҳнатни куйлаймиз. 9.30 — Д. Қаюмова ва А. Султонов ижросида қўшиклар. 11.15 — «Яшнаган қишлоқ». 11.30 — «Ёшлигим — комсомоллигим». 12.10 — «Ўзбекистон индустриальний» 13.30 — Ёшларнинг талабларига биноан концерт. 16.00 — **«Комсомольская правда» газетасининг совринлари учун ГТО кўпкураши комплекси бўйича СССР чемпионати.** «Пахтакор» марказий стадионидан олиб эшиттирилади. 19.00 — «Раҳбар ходимлар ўқимоқдалар». 19.20 — «Ёшлик» радио станциясининг программаси. 20.00 — Москва. «Халқаро аҳвол: саволлар ва жавоблар». 20.45 — Сўнгги ахборот. 21.15 — **«Ялла»** концерти. 22.00 — **Пахтакорлар учун концерт.** 22.30 — Халқаро мавзуларда суҳбат. 22.40 — И. Касумов. «Кенг давра» радиоспектакль.

Об-ҳаво

Бугун ҚҚАССРда ҳавонинг ўзгариб туриши, ёғингарчиликнинг бўлмаслиги кутилади. Шимолий-ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсиб, 2-7 даража атрофида иссиқ бўлади. Хоразм области ва Бухоро областининг шимолий районларида ёғингарчилик бўлмайди. Секундига 3-7 метр тезликда беқарор шамол эсади. Ҳарорат 10-15 даража бўлади. Қолган жойларда ҳаво ўзгариб туради, қисқа муддатли ёмғир ёғиши мумкин. Ўзгарувчан шамол эсади. Ҳарорат 10-15, жанубда 22 даражага етади.

Тошкентда ҳаво ўзгариб туради. Кундузи бир оз ёмғир ёғиши, кечаси ёғингарчиликнинг бўлмаслиги кутилади. Шарқдан секундига 3-7 метр тезликда шамол эсади. Кундузи 16-20, кечаси 5-7 даража атрофида иссиқ бўлади.

Реклама ВА ЭЪЛОНЛАР

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 30/X да **Князь Игорь**, 31 X да **Золушка** (кундузи), **Испан миниатюралари** (кечқурун).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 29/X да **Беш кунлик куёв**, 30/X да **Фақат ақл сотилмайди**, 31/X да **Ўн саккиз ёшлигим** (19.00).

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Шимолий Осетия АССРда хизмат кўрсатган артист ЭМИЛЬ КИО** раҳбарлигидаги **йирик иллюзион ревю гастроллари** (19.30).

Кино

Жаҳон бўйлаб 80 кун — «ЧАЙКА» (11.30, 16), САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Қирол Нью-Йоркда — «ЧАЙКА» (18, 20, 21.45), «ҚОЗОГИСТОН» (11, 12, 13, 17, 18, 19, 21), «ДРУЖБА» (тоқ соатларда), «МОСКВА», «ЎЗБЕКИСТОН» (жуфт соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Ғолиб — «ВОСТОК» (тоқ соатларда), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

Ўжар қизнинг қуюлиши — «ҚОЗОГИСТОН» (14, 15, 20).

Дарёнинг нариги соҳилида (13,17,18.30), **Уларни кўрганда танир эдилар...** (11, 15, 19): — ҲАМЗА номли.

Халқ романи — «ДРУЖБА» (жуфт соатларда).

●

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА

2 НОЯБРДА

59-МАВСУМ ОЧИЛАДИ

Спектакллар соат 19.30 да бошланади.

Касса соат 10.00 дан ишлайди.

●

КИЕВ ГРАЖДАН АВИАЦИЯСИ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИ

ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

механика, радиотехника, электротехника, автоматика ва ҳисоблаш техникаси, аэропорт-лар, ёнилғи-мойлаш материаллари, иқтисодий инженерлик.

ҲУЖЖАТЛАР — 10 НОЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, ГСП, Пролетар кўчаси, 41-уй. Граждан авиациясининг Ўзбекистон бошқармаси, кадрлар бўлими.

●

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

чет тиллари (инглиз, немис, француз) **бўйича**

ПУЛЛИК КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Таълим программасини муваффақиятли битирганлар кандидатлик минимумини топширишлари мумкин.

Машғулотлар юридик факультети биносида (Хадра) **ва ижтимоий факультетларнинг инглиз тили кафедрасида** (студентлар шаҳарчасида) **ўтказилади.**

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Студентлар шаҳарчаси, ТошДУ, Бош корпус, Б-513-аудитория (соат 10.00 дан 17.00 гача).

●

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМЛИ ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

институт ва институт филиалларига кириш имтиҳонларини топширишга тайёрлайдиган

ПУЛЛИК КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Кирувчилар: ариза, ўрта маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (нусхаси), иш жойидан справка топширадилар ва ўқиш учун пул тўлайдилар.

МУРОЖААТ УЧУН АДРЕСЛАР:

ТОШКЕНТ шаҳар, Навоий кўчаси, 13-ўй, II корпус, 3-қават, 65-хона;

ОЛМАЛИҚ шаҳри, Ленин кўчаси, 56-уй;

АНГРЕН шаҳри, Чекризов кўчаси, 17-уй;

НАВОИЙ шаҳри, Южный переулоги;

ЧИРЧИҚ шаҳри, Ломоносов кўчаси, 1-уй;

БУХОРО шаҳри.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, № 41 * ТЕЛЕФОНЛАР

Коммутатор — 330249 дан 330258 гача
Эълонлар — 338142.

Р. 02698. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64633. В. — 254.